

## ИРО ЖАРАЁНИДА НАРХНИ БЕЛГИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Махаметов Сайтжалолхон Азамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада IPO жараёнида нархни белгилаш билан боғлиқ бўлган муаммолар таҳлил қилинган. Ушбу масаланинг иқтисодий жараёнлардаги, хусусан биржса фаолиятидаги аҳамияти борасида хуносалар қилинган.

**Калим сўзлар:** IPO, биржса, нарх, қиймат, компания, баҳолаши, даромад, акция.

### ABSTRACT

This article analyzes the problems associated with pricing in the IPO process. Conclusions were made regarding the importance of this issue in economic processes, in particular, in the activity of the stock exchange.

**Keywords:** IPO, stock market, price, value, company, valuation, earnings, stock.

### КИРИШ

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда иқтисодий соҳани ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқиш борасида катта ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мухтаран юртбошимиз ўз маърузалари ва қабул қилаётган қатор қарор ва фармонларида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва уни янгидан саноатлаштириш, уни инновацияли ривожлантириш йўлига ўтказиш вазифаларини илгари сурмоқда.

Иқтисодий жараёнида IPO амалиётларини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти юқори бўлиб, молиявий-иктисодий ўсишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. IPO (инглиз тилидан олинган - Initial Public Offering) – акциядорлик жамиятининг акцияларини бирламчи ошкора таклиф этиш деган маънени билдиради. Яъни, у акцияларни чекланмаган шахслар орасидаги дастлабки сотуви, дастлабки таклиф қилиниши ҳисобланади. IPO ни ўтказишдан асосий мақсад корхонага кенг доирадаги инвесторлардан капитал жалб қилишdir. Агар биз IPO ни ўтказиш бўйича жаҳон амалиётига назар ташласак, бундай операциялар ҳажми бўйича бугунги кунда АҚШ ва Хитой давлатлари етакчилик қилаётганини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>. Масалан, Alibaba Group нинг 2014 йилда IPO ҳажми 25 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Alibaba Group Хитой онлайн тижорат соҳасида фаолият олиб борувчи компания

<sup>1</sup> Тошмуровада Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик/ ЎзРО ва ЎМТВ ТМИ. –Т: “Иқтисод-молия”, 2017. – Б. 135.

бўлиб, унинг асосий фаолиятлардан бири компаниялар ўртасида савдо операциялари ва онлайн тизимида чакана савдоларни ташкил қилишдир. Тўловларни амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи Америка трансмиллий компанияси –Visa Инсинг 2008 йилда IPO ҳажми 19.7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзбекистон тарихида илк бор тажриба тариқасида “Кварс” АЖ 2017 йил декабрида “Тошкент” фонд биржасида IPO ўтказган. Шундан сўнг “Жиззах пластмасса” АЖ ҳам акцияларини очик равишда фонд биржасига жойлаган. “Кварс” ва “Жиззах пластмасса” ҳозирча Ўзбекистонда IPO ўтказган биринчи ва охирги компаниялар бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, 2019 йилдаёқ мамлакатдаги ўнга яқин компания акциялари очик савдога чиқарилиши эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан, Ўзбекистонда 2022-2023 йилларда давлат иштирокидаги 21 та йирик корхонанинг акцияларини фонд биржасида бирламчи ва иккиласмачи оммавий жойлаштириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди.

Президент томонидан “Капитал бозорини қўллаб-кувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-90-сон қарор имзоланди. Ҳужжат билан Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йилдаги «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказиши ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сон қарорига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиласмачи (SPO) оммавий жойлаштириш йўли билан таклиф қилиш нархи эндиликда фақат ташкилотчи томонидан белгиланади (илгари нарх ташкилотчи томонидан ташаббускор билан келишилган ҳолда, фонд биржаси қоидаларида назарда тутилган усуулардан келиб чиқсан ҳолда белгиланган). Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 268-сон қарори 2 иловасининг 13-банди янги таҳрирда баён қилинди. Унга кўра, акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиласмачи (SPO) оммавий жойлаштириш йўли билан сотиладиган акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги аризаларни йиғиш ташкилотчи ёки ташкилотчилар гуруҳи томонидан IPO ёки SPOни ўтказиш тўғрисида шартнома тузилган ҳолда амалга оширилади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, IPO амалиёти, IPO жараёнида нархни белгилаш билан боғлиқ бўлган масалалар хориж ма маҳаллий тадқиқотчилар томонидан кенг муҳокама қилинувчи илмий тадқиқот ишларидан бири ҳисобланади. Россия федерациясида ушбу масала Л.А. Борлакова томонидан кенг тадқиқ этилган бўлиб, олим ушбу соҳа бўйича “Влияние IPO на

конкурентоспособность российских компаний” мавзусида ўз тадқиқотларини амалга оширган. Жанубий Флорида университети профессори Жеймс Мартин эса IPO ва SPO амалиётларининг мазмун-моҳияти, уларнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялариға таъсири борасида қатор дарслик ва мақолалар ёзганлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

IPO амалиёти, IPO жараёнида нархни белгилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритиб беришга қаратилган ушбу мақолада қиёслаш ва аналогик таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, абстракциялаштириш методларидан фойдаланилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бугунги кунда IPO компаниялар томонидан бизнесни ривожлантириш учун энг арzon молиялаштириш манбаларидан бири сифатида қабул қилинади. Шу билан бирга, корхона акцияларини оммавий жойлаштириш самарадорлигини иқтисодий баҳолашни ҳар доим ҳам амалга оширилмайди. Компаниялар акцияларни оммавий жойлаштириш билан боғлиқ харажатларнинг батафсил сметасини тузиш билан чекланади. IPO нинг иқтисодий самарадорлигини объектив баҳолаш учун компания IPO дан олдин ва кейин капиталнинг ўртача қийматини аниқлаши керак<sup>2</sup>.

Акцияларни оммавий жойлаштиришда ҳал қилинадиган асосий вазифа компаниянинг стратегик лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштиришни жалб қилишдан иборат. Бундан ташқари, IPO умумий ва конвертация қилинадиган облигациялар чиқариш ёки капиталга асосланган молиялаштиришни жалб қилиш каби бизнесни молиялаштиришнинг бир қатор бошқа вариантларини янада қулайроқ қиласи. Натижада компаниянинг капитал қиймати сезиларли даражада ўзгаради. Шу билан бирга, IPO самарадорлигини миқдорий баҳолаш амалда камдан-кам ҳолларда амалга оширилади. Андеррайтинг хизматлари, реклама компанияси, ҳисботларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошириш, акцияларни оммавий жойлаштиришнинг юқори нархини ҳисобга олган ҳолда, кутилган натижаларни бермаслиги мумкин.

IPO жараёнида акцияларнинг нархини аниқлаш иқтисодиётдаги энг ўрганилмаган ва баҳсли масалалардан биридир. Кўпгина олимлар турли хил эмпирик маълумотларга асосланиб, бутунлай қарама-қарши хulosаларга

<sup>2</sup> Ажиханов А.Б. Эмпирический анализ факторов, оказывающих влияние на занижение стоимости акций при первичном размещении (на примере Лондонской фондовой биржи) / А.Б. Ажиханов // Рынок ценных бумаг. – 2011. 11(443). – С. 59-72.

келишади. Ушбу тадқиқотда акцияларни бирламчи жойлаштириш чоғида нархларни белгилаш билан боғлиқ бир қатор масалалар, жумладан, унинг хусусиятлари ва муаммолари, хусусан, IPO жараёнида акцияларнинг паст баҳоланиши ва бу жараёнга таъсир этувчи омиллар муҳокама қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, IPO жараёнида акцияларнинг нархини белгилаш назорат компоненти ҳисобланади, чунки IPO жараёнида акцияларнинг нархини белгилашнинг қатъий қоидалари мавжуд эмас, нархлаш қоидалари ошкор этилмайди ва тўлиқ IPO менежерларининг ихтиёрига ўтказилади. Шу билан бирга, бозорга бирламчи жойлаштириш пайтида акцияларнинг қийматини тўғри аниқлаш пировард натижада IPO муваффақиятини белгилайди. IPO жараёнида акцияларнинг қадрсизланиши эмитент учун жиддий муаммо ҳисобланади, чунки у ўз акцияларини янги акциядорларга арzonроқ нархда сотадиган амалдаги акциядорларнинг манфаатларини бузади ёки янги акциялар чиқарилганда уларнинг улуши камаяди ва қиймати уларнинг акциялари чиқарилгандан кейин пастроқ бўлиб чиқади. Компания, жойлаштиришда камроқ микдорда маблағ олади, бу эса ривожланиш учун унинг ресурс базасини қисқартиради. Бошқа томондан, эмитент компания акциялари қийматини сунъий равишда ошириб юбориш, шу жумладан фаол маркетинг ёки нотўғри нарх белгилаш орқали инвесторга зарар етказади ва акцияларни сотиб олиш ва сотиш жараёнининг барча иштирокчилари учун хуқуқий ва молиявий қийинчиликлар туғдирали.

Бундан ташқари, IPO жараёнида акцияларнинг баҳоси нафақат эмитент компанияларнинг раҳбарлари билан биргаликда жойлаштириш нархини белгилайдиган андеррайтерларга, балки компания фаолиятини бошқарадиган менежерларнинг бошқарув ва тадбиркорлик қобилиятига ҳам боғлиқ. Менежерлар фаолиятининг самарадорлиги компаниянинг молиявий-иктисодий ҳолати ва фаолияти натижаларида ва жойлаштириш пайтида акциянинг нархини аниқлашда намоён бўлади<sup>3</sup>. Шу сабабли, IPO жараёнида акцияларнинг баҳоланишига нафақат ташқи омиллар, масалан, фонд бозори ҳолати, балки қўп жиҳатдан компания фаолиятини бошқарувчи менежерлар таъсир кўрсатади, деб таъкидлаш мумкин. Шунинг учун акцияларнинг қийматини бошқариш масаласи компаниянинг ўз ваколатига киради. Жойлаштириш вақтида акциялар нархини аниқлашда кўпчилик бозорга таянади, бу эса турли омиллар таъсирида акция қийматини мустақил равишда шакллантиради, натижада акциялар қадрсизланишига олиб келади.

<sup>3</sup> Балакирев Н. Н., Давиденко Л. П. Процедура проведения IPO в России – М.: Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики», 2013. – С. 19.

Акцияларнинг қийматини аниқлаш учун макро даражада ва компаниялар даражасида мاشаққатли ва мақсадли иш талаб этилади. Бундан ташқари, агар макро вазият бутун фонд бозорининг ёки унинг алоҳида сегментларининг жозибадорлигига таъсир этса, у ҳолда компаниянинг молиявий-иқтисодий ҳолатининг кўрсаткичлари унинг акциялари қийматига таъсир қиласди.

Акцияларнинг қийматини бошқариш жараёни ҳар доим ҳам бир йўналиши эмас. Эгалари ўз акцияларининг ҳаддан ташқари юқори қийматини пасайтиришга интиладиган ҳолатлар мавжуд. Аксарият акциядорлар ўз бойликларини компаниянинг бозор қийматини ошириш орқали ҳам, товар-молиявий, ахборот, меҳнат ва бошқа оқимларни ўз манфаатлари йўлида қайта тақсимлаш йўли билан оширадилар. Акцияларнинг бозор қийматини бошқариш мулқдорларнинг компания раҳбарлари ва мутахассислари билан биргалиқдаги мешҳудларнинг натижасидир. Инвесторлар томонидан тақдим этилган бозор фақат устав капитали қўшимча маҳсулот яратишда иштирок этадиган компанияларнинг акцияларини қабул қиласди. Бундай омилларни бартараф этиш учун компаниянинг бизнес жараёнларини қайта қуриш ва бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, моддий ва молиявий оқимларни оптималлаштириш устида ишлаш зарур<sup>4</sup>.

Акцияларнинг қиймати компаниянинг ҳозирги ва келажакдаги фойдасига боғлиқ. Бироқ, бу шарт фақат фойда компаниянинг корпоратив ҳисобларида тўпланган ёки бизнесни кенгайтириш, янгилаш ёки яхшилаш учун ишлаб чиқаришга йўналтирилган тақдирдагина бажарилади. Шундай қилиб, акциялар қийматини бошқариш эмитентнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг фаолиятининг инвестицион жозибадорлиги ва шаффоффлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Ушбу тадбирлар фақат ишончли маълумотларга асосланади ва компаниядаги вазиятни яхшилашга қаратилган.

Акциялар қийматини назорат қилишнинг ички ва ташқи усусларини илгари суриш мумкин. Ички усуслар компаниянинг устав капитали самарадорлигини оптималлаштириш ва бизнес шаффоффлигини оширишга қаратилган бўлса, ташқи усуслар фонд бозорида операцияларни амалга ошириш орқали акция бозорини қўллаб-қувватлашга, компаниянинг нуфузини ва унинг акцияларининг жозибадорлигини оширишга қаратилган.

Ушбу фаолиятнинг натижасида эса акцияларга қўшимча қизиқиш пайдо бўлади. Бу уларнинг инвестицион жозибадорлиги, қиймати ва ликвидлиги ошишига таъсир қиласди.

<sup>4</sup> Гвардин С.В. IPO: стратегия, перспективы и опыт российских компаний. М., 2007. – С. 147.

## ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот бўйича қўйидаги хулосаларга келинди:

Шундай қилиб, IPO жараёнида акцияларнинг нархини белгилаш бўйича бошқарув қарорининг асосида эмитент ва инвесторнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатга эришиш масаласи туриши керак. Бунда акцияларнинг қийматини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Эмитент учун компаниянинг қиймати ҳозирги вақтда қўшимча инвестициялар ва капитал олиш имкониятини белгилайди, инвестор учун бу унинг келажакдаги даромадларини тахмин қилиш имкониятини яратади. Шу муносабат билан, IPO менежерлари, IPOда акцияларнинг нархини аниқлашда энг юқори даромад олишни истаган эмитент компанияга ҳам, акцияларни сотиб олган ва даромаднинг ошишини кутаётган инвесторларга ҳам мос келадиган нархни белгилашлари керак. Бунинг учун баҳолашга турли ёндашувларни бирлаштириш, олинган кўрсаткичларнинг ҳар бирининг якуний натижага таъсирини таҳлил қилиш лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик/ ЎзРО ва ЎМТВ ТМИ. –Т: “Иқтисод-молия”, 2017-338 бет.
4. Ажиханов А.Б. Эмпирический анализ факторов, оказывающих влияние на занижение стоимости акций при первичном размещении (на примере Лондонской фондовой биржи) / А.Б. Ажиханов // Рынок ценных бумаг. – 2011. 11(443). – С. 59-72.
5. Балакирев Н. Н., Давиденко Л. П. Процедура проведения IPO в России – М.: Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики», 2013. – 65 с.
6. Волошко В.В. Теоретические аспекты первичного публичного размещения акций / В.В. Волошко // Гуманитарные научные исследования. 2015. № 3. URL: <http://human.s nauka.ru/2015/03/9731> (Дата обращения: 22.03.2018).
7. Гвардин С.В. IPO: стратегия, перспективы и опыт российских компаний. М., 2007. – 264 с.
8. Геддес Р. IPO и последующие размещения акций / Р. Геддес – М.: ЗАО Олимп-Бизнес, 2007. – 335 с.